

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

5A410302- «Энтомология» мутахассислиги магистранти

Омонтурдиев Шокир Сайилбоевичнинг

УРУФ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ИЛДИЗ, ТАНА ВА ШОХЛАРНИНГ
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА ТАРҚАЛИШИ

МАВЗУИДА

реферат

ТОШКЕНТ-2015

УРУҒ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ИЛДИЗ, ТАНА ВА ШОХЛАРНИНГ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Уруг мевали дарахтларнинг тана ва шохларини қуидаги зааркунандалар заарлайди. Олма ойначиси (*Synanthedon myopaeformis* Bokh., *Aegeria myo-paeformis* Bokh.),monoфаг – асосан олмани заарлайди, баъзан нокда ҳам учрайди. Қуртлари ўсимлик танасининг ўтказувчи тўқималарини бузган ҳолда тана ва скелет шохларида пўстлоқнинг пўқаклашган юқориги қатлами остида йўллар ҳосил қиласи. Заарланган шохлар қурийди, баъзан бутун дарахт қуриб қолади. Ойначи республикамизнинг барча худудларида тарқалган бўлиб, бир ва икки йиллик қуртлар пўстлоқ остидаги йўлларда қишилайди. Баҳорда қуртлар ёғочни ўйишга ҳаракат қиласи, ғумбакланиш олдидан юзада юпқа қатламни қолдиради ва ипаксимон пилла ўраб ғумбакланади. Капалакларининг ялпи учиши июлда кечади; уча бошлагандан 2-3 кун ўтгач, урғочилари 200-250 тагачатухум қўяди. Зааркунанда тухумини тана ва йўғон шохлар пўстлоғидаги ёриқларга биттадан қўяди.

Ҳидли ёғоч ўймакори (*Cossus cossus* L.) мевали дарахтлардан нок дарахтига кўп зарар етказади. Пўстлоқ остида ва дарахт танаси ичида озиқланади. Кучли даражада тешиб ташланган дарахт танаси ёки айримшохлари қуриб қолади. Ҳидли ёғоч ўймакорининг урғочиси – йирик капалак (қанотини ёзганда 65-90 мм). Тухуми овал, оч жигарранг, бўйлама қора йўлакли, қуртининг узунлиги 80-100 мм, ғумбаги 30 мм, тўқ қўнғир, пиллада жойлашади.

Қорағатойначиси (*Synanthedon tipuliformis*) ареали кенг майдонни эгаллайди. Нафақат Россия, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам учрайди. Зааркунанда кўчатлар билан тарқалади. Қуртлари бутун ҳаётини

новда ичида ўтказади. Улар дарахтнинг ўзагига кириб олади, йўл очади ва уни экскрементлари билан тўлдиради. Айрим туплар 80% гача заарланиши мумкин.

Пўстлоқости ёки олча баргўровчиси (*Enarmonia formosana Scop or L. ornatana Hb.*) қуртлари олма, нок, олхўри, олча, гилос, ўриқ, шафтоликаби мевали дарахтларни заарлайди. Улар луб ёки пўстлоқости қатlam билан озиқланади. Зааркунанда Россиянинг Европа қисмида, Кавказорти, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг шимолий худудлари, Фарбий Европада тарқалган. Қуртлари дарахт танасининг ичига ҳеч қачон чуқур кирмайган пўстлоқ остида қишлияди. Дарахтларнинг ўсув даврида луб ёки пўстлоқости қатлами билан озиқланиб, ўргимчак иплар тўшаган ҳолдатўлқинсимон йўллар очади. Пўстлоқ остидаги озиқланиш жойларида экскрементлари ва кемириб ҳосил қилган беланчакларда ғумбакланади. Ғумбакланиш олдидан курт ташқарига чиқиш тешигини кемириб қўяди. Капалакларининг учиши апрел охирида бошланади. Улар тупроқ сатҳидан 50-70 смбаландликда йўғон шохларнинг таналарига, ёрилган пўстлоқ тирқишиларига, заарланган жойларга ва ҳатто очилибқолган илдизларга тухум қўяди. Тухумдан чиқкан қуртлар нотўғрийўллар ҳосил қилган ҳолда пўстлоқ остини кемиради. Одатда улар кичик гуруҳлар бўлиб тананинг пастки қисмида ва ҳатто тупроқда 3-5 см чуқурликда яшайди. Қуртлар тўпланган жойларда пўстлоқ нобуд бўлади, дарахт эса қурийди.

Илдиз кемирувчи тунламлар (*Noctuidae*) биологияси.

Мазкур ҳашаротлар гуруҳи тунламлар (*Noctuidae*) оиласига мансуб бўлиб, уларнинг қуртлари тупроқда яшайди ва турли ўсимликларнинг ер остки ёки илдиз бўғзи қисми билан озиқланади. Илдиз кемирувчи тунламлар кўчатзорларда куртак пайванд учун тайёрланаётган ниҳолларнинг

зараркунандалари ҳисобланади. Уруг ёки данаклар келиб чиқиши ёввойи бўлганлиги сабабли, муҳитнинг кўпгина ноқулай шароитларига (совуқ, қурғоқчилик, юқори намлик, шўрланиш ва х.к). баҳорда мазкур уруғлардан униб чиқаётган ниҳолларга кўпгина зараркунандалар шу жумладан илдизкемиувчи тунламларнинг қуртлари зарар келтиради. Тадқиқотларимизда кўчатзорлар ҳудудида кўпгина тунлам турлари орасида кузги (*Agrotis segetum*) ва ундов (*A. exclamatoris*) тунламлари деярли оммавий равиша учрайди. Улар илдиз кемиувчи тунламларнинг умумий миқдорининг 86-93 фоизини ташкил этди (3.1.1-жадвал).

Мазкур икки турдаги илдиз кемиувчи тунламларнинг биологияси ва зарари кўпгина тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Иккала зараркунанда тури ҳам катта ёшдаги қуртлик даврида қишлийди; баҳорда ғумбакланади ва ундан капалаклар учиб чиқиб, ўсимликларнинг илдизолди қисмлари ва бегона ўсимликлардан айниқса итузумга тухум қўяди. Тухумдан чиқсан қуртлар дастлаб бегона ўсимликлар билан озиқланиб, кейин кўчатларга тупроқ остидан зарар еткиза бошлайди. Бир йилда кузги тунлам 4 насл, ундов тунлами эса 2 насл беради.

Ўсаётган пайвандтаглар учун тунламларнинг зарари шундан иборатки, улар поянинг илдизбўғзи қисмини кемиради, натижада ниҳол нобуд бўлади ёки ўсишдан орқада қолади. Заарланган ўсимликлар эгилиб қолиши ёки сўлигани бўйича аниқланади, бунда дастлаб поянинг илдиз бўғзи кемирилганлигига ишонч ҳосил қилиб олинади.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тадқиқот олиб борилган йиллар натижалари 3.1.2-жадвалда келтирилган, ундан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида уруғли меваларнинг пайвандтаг ниҳоллари кучли заарланади. Жами уруғ сепилган майдоннинг 3,2 га (63%) қисмида

зарарланган ўсимликлар аниқланди.

1.1-жадвал

Турли ҳудудлардаги пайвандтаг ниҳолларда аниқланган илдизкемиувчи тунламлар қуртларининг тур нисбати, %

2006-2008 йй. (А. Юсупов маълумоти)

| № | Илдизкемиувчи тунламларнинг турлари | Ҳисоб санаси | Жами йиғилган қуртлар, дона. | Шулардан | |
|---|-------------------------------------|---------------------|------------------------------|----------|------|
| | | | | дона | % |
| Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани | | | | | |
| 1. | Кузги тунлам | | | 73 | 70,9 |
| 2. | Ундов тунлами | 17-20.V. 2006 й. | 103 | 23 | 22,3 |
| 3. | Тунлам С – қора | | | 4 | 3,9 |
| 4. | Қолған турлар | | | 3 | 2,9 |
| Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани | | | | | |
| 1. | Кузги тунлам | | | 55 | 69,6 |
| 2. | Ундов тунлами | 10-12.V. 2008й. | 79 | 15 | 19,0 |
| 3. | Илдиз кулранг тунлами | | | 4 | 5,1 |
| 4. | Қолған турлар | | | 5 | 6,3 |

1.2-жадвал

Ўзбекистоннинг турли худудларида пайвандтаг ўсимликларнинг илдизкемиравчи тунламлар билан заарланиши

Дала кузатувлари, 2006-2008 йй. (А. Юсупов маълумоти)

| Кузатув ҳудуди | Заарланган майдон | | Шундан | | | | | |
|---------------------------------------|-------------------|----|--------|------|---------|------|--------|------|
| | | | Кучли | | Ўртacha | | Кучсиз | |
| | га | % | га | % | га | % | га | % |
| Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани | 3,2 | 63 | 0,7 | 21,8 | 1,3 | 40,6 | 1,2 | 37,5 |
| Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани | 1,9 | 47 | 0,3 | 15,8 | 0,7 | 36,8 | 0,9 | 47,4 |
| Тошкент вилояти, Охангарон тумани | 2,2 | 13 | 0 | 0 | 0 | 0 | 2,2 | 100 |

Шундан 21,8% майдон кучли даражада, 40,6% - ўртача ва 37,6% майдонкучсиз заарланган. Сурхондарё вилоятида Фарғонага нисбатан бироз кучсизроқ, Тошкент вилоятида эса янада заарланиш сезиларли даражади кузатилмади. Кузги тунлам капалагининг учишини назорат қилиш учун кўчатлар вегетацияси бошланишида дала кузатувлар ўтказилди. Бунинг учун апрел-июн ойларида Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудидаги нихолли мева кўчатзорларига кузги тунламнинг синтетик жинсий феромони ўрнатилган феромон тузоқлар қўйилди.

ФТни тайёрлаб, унимевали дараҳтларнинг нихоллари ўсаётган кўчатзор-

ларга 5-6 кунда бир марта кечқурун қўйилди, яъни кечаси қўйиб (бирбиридан 30-40 м масофада), эрталаб дала шийпонига олиб келиб қўйилди. Резина диспенсор-капсула 30 кунда бир марта, елимли тўшама эса – ифлосланиб кетганида алмаштирилди. Ўтказилган ҳисоб ва кузатув натижалари 3.3-жадвалда келтирилган, ундан кўриниб турибдики, апрелнинг учинчи ўн кунлигига келиб капалаклар уча бошлайди ва бу жараён майнинг ўрталарига бориб кучаяди. Бу шундан далолат берадики, ҳашаротнинг биринчи насли ўз ривожланишини июнда якунлайди. Мазкур давр зарар келтирилиши нуқтаи назаридан энг масъулиятли давр ҳисобланади, демак ҳимоя чораларини талаб этади.

.1.3-жадвал

Вегетация бошланишида феромон тузоқлар бүйича күзги тунлам капалакларининг учиш динамикаси

Дала тажрибалари 2007 йил (А. Юсупов маълумоти)

| | | | | | | | | | | |
|--|--|---|----|----|----|----|----|----|----|---|
| | | 6 | 17 | 18 | 34 | 58 | 44 | 51 | 24 | 7 |
|--|--|---|----|----|----|----|----|----|----|---|

Тажрибаларда турли туман, ҳар хил ниҳоллар (олма, беҳи ва бошқа дараҳтларнингёввойи ниҳоллари) ва ҳар хил йилларда дараҳтларнинг сийраклашиши 0 дан 13,6% гача етади. Шу боис мевали дараҳтларнинг ниҳолларини илдизкемирувчи тунламлардан ҳимоялашнинг жадал технологиясини ишлаб зарурати туғилади.

Хидли ёғоч ўймакори (*Cossus cossus L.*) биологияси

Ёғоч ўймакорилари оиласига (*Cossidae*) мансуб тангачақанотлилар-ҳаммахўр ҳашарот ҳисобланади. Кўпгина мевали дараҳтларни заарлайди, аммо нокни кўпроқ хуш кўради; ўрмон ва манзарали дараҳтлардан тол, терак, қайин, тоғтерак ва бошқаларни кучли заарлайди. Пўстлоқ ости ва дараҳт танасида озиқланар экан, қуртлар ўтказувчи тизимларни шикастлайди, инфекция ва иккиламчи ҳашаротлар учун йўл очади, бу эса пировард натижада дараҳтнинг қуришига олиб келади.

Хидли ёғоч ўймакори йирик ҳашаротdir: капалаклари қаноти ёзилганида 65-70 мм га етади, урғочилари янада йирикроқ 75-90 мм. Қуртларининг ўлчами 90 мм узунликгача етади, кичик ёшлардаги қуртлари - пушти, кейинчалик – жигарранг-қизил, боши эса қора бўлади. Ғумбаги 30 мм атрофида, тўқ қўнғир, кемирилган тана ичида ўргимчақдан иборат пиллада жойлашади.

Қуртнинг бутун ривожланиш жараёнлари ёғоч ичида ва у етарлича узоқ давом этади; бир ва иккинчи ёшли қуртлар қишлилайди. Баҳорда қуртлар ташқарига чиқиш тешигининг асоси яқинида ғумбакланади. Бизнинг шароитларимизда ёғоч ўймакори капалакларининг учиши одатда май ойида кузатилиб, 1 ойдан ортиқ давом этади. Ҳар бир урғочи ҳашарот дараҳт

пўстлоғининг ёриқларига ва бошқа заарланган жойларига 1000 тагача тухум кўяди. Тухумдан чиқсан қуртлар пўстлоқ остида гуруҳ бўлиб келгуси йил баҳоригача яшайди, сўнгра уларнинг ҳар бири ажралиб дараҳт танаси ичига чуқур кириб ва у ерда қишлоғга қолади.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ТошДАУ тажриба станциясининг мевали боғларида 1997-1999 йиллар давомида ҳидли ёғоч ўймакорининг ривожланиш доираси юзасидан ўtkазилган кузатувлар фенологик тақвимида келтирилган (3.2.1-расм). Кузатувларда аниқлашича, ҳидли ёғоч ўймакорининг қуртлари ташки муҳитнинг етарлича паст ҳароратларига чидай олади ва нобуд бўлмайди. Республикаиз худудида мевали дараҳтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланганлиги юзасидан ўtkазилган тадқикотларда аниқландики, мазкур тур 10 дан ортиқ мевали дараҳтларда озиқланади (3.2.1-жадвал).


2.1-жадвал

Ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланувчи мевали дараҳтлар турлари
(А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| № | Мевали дараҳт турларининг номи | | | Заарланиш даражаси |
|----|--------------------------------|------------|-----------------------------------|--------------------|
| | Ўзбекча номи | Русча номи | Лотинча номи | |
| 1. | Олма | Яблоня | <i>Mallus domestica</i> Bornh. | ++ |
| 2. | Нок | Груша | <i>Pyrus communis L.</i> | +++ |

| | | | | |
|----|------|------|-------------------------------|---|
| 3. | Бехи | Айва | <i>Cydonia vulgaris</i> Pers. | + |
|----|------|------|-------------------------------|---|

*)зарарланиш даражаси:+++ - кучли,++ - ўртача,+ - суст.



Шартли
белгилар:

◊ – ғумбак,

● – тухум,

— — қурт,

+— капалак

3.2.1-расм. Ҳидли ёғоч ўймакорини 1997 йилги ривожланишининг фенологик тақвими(Қибрай тумани, Тошкент вилояти)

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, олма, шафтоли, нок ва олхўри мевали дарахтлар ўймакоридан кучли заарланади. Чунки бу мевали дарахтлар танасининг тўқималари нисбатан бўшроқдир. Тажрибаларда кузатилганки, Марказий Осиё шароитларида тана зааркунандалари фақатгина

кучизланган эмас, балки мутлақо соғлом дарахтларда ҳам ривожланади. Ҳидли ёғоч ўймакорининг қуртлари лубтола найларини заарлайди ва шира харакатини издан чиқаради.

Ўсимлик ширасининг харакати шох-шаббагача етиб бормайди ва шу боис заарланган дарахтлар ўсиш ва ривожланишдан тўхтайди. Зааркунанда пўстлоқ ва тана ичида турли йўналишларда, йўл очиб кемириб боради бу бутун дарахтнинг қуриши ва нобуд бўлишига олиб келади. Баъзан қуртлар шохчаларга кириб кетади ва новда асосига қараб йўл очади.

Қатор йиллар давомида мевали дарахтларда ҳидли ёғоч ўймакорининг тарқалиши ва дарахтларнинг заарланиш даражасини ўргандик. Текширувлар учта вилоятнинг фермер ва шахсий томорқа хўжаликларида ўтказилди. Тошкент вилояти шароитида кўпроқ етиштириладиган мевали дарахтларда (олма, нок ва шафтоли) зааркунанданинг тарқалганлик даражасини ўрганиш натижалари 3.2.2-жадвалда келтирилган, шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хulosаларни чиқариш мумкин:

1. Олма, нок дарахтлари ҳидли ёғоч ўймакори билан деярли бир хил даражада (ўртacha 11,6-12%) заарланади. Кучли заарланиш даражаси Бўка туманида 20% га қадар этган бўлса, кучизроқ заарланиш эса 8-8,9-9,8% Қибрай тумани худудларида қайд этилди.

2. Дарахтларнинг учлари ва танасининг қуриб қолиши кўпроқ олмада кузатилди (ўртacha 4,3%, нокда - 1,5% ва шафтолида 3,2%). Келтирилган маълумотлар ҳидли ёғоч ўймакорининг юқори зарари ва жойларда ўтказилаётган ҳимоя тадбирларининг самараси пастлигидан далолат беради.

Ўрганилаётган обьектнинг мониторинги мазкур йилларда Сурхондарё вилоятида ҳам тадбиқ этилди (3.2.3-жадвал). Вилоятнинг олтита тумани хўжаликларида уруғ мевали дарахтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланиш ҳолати ўрганилди. Қайд этилдики, бу ерда ҳам мевали дарахтлар зааркунанда билан жиддий заарланади: яъни олмада –12 – 16% гача, нокда

– 10 -14,9% гача, шафтоли эса – 9,3 - 11,3% гача заарланиш даражаси қайд этилди. Термиз тумани ҳудудида дaraohтлар бошқа туманларга нисбатан кучлироқ заарланади (мевали дaraohтларга мос ҳолда 16-14,9-7,5%). Куриб қолган ва қурий бошлаган дaraohтлар олмада – 2-4%, нокда – 0-2,2%, шафтолида – 0-3,8% ни ташкил этди. Шундай қилиб, Сурхондарё вилояти ҳудудларида ҳам ҳидли ёғоч ўймакорига қарши курашиш долзарблик касб этади.

2.2-жадвал

Тошкент вилояти туманлари хўжаликларида уруғ мевали дaraohтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланиш даражаси

Дала текширувлари (А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| № | Кузатув ўтказилган туманлар | Дaraohтлар миқдори | | | | | | Қуриган ва қуриётган даражатлар | | | |
|----|-----------------------------------|--------------------|----|----|-----|---|------|------------------------------------|-----------------|------|-----|
| | | Олма | | | Нок | | | Олма | | Нок | |
| | | O ^{*)} | 3 | % | O | 3 | % | дона | % ^{**} | Дона | % |
| 1. | Бўка | 50 | 10 | 20 | 47 | 7 | 14,9 | 2 | 4 | 1 | 2,1 |
| 2. | Янгийўл | 50 | 5 | 10 | 46 | 6 | 13 | 2 | 4 | 1 | 2,2 |
| 3. | Юқоричирчик | 50 | 5 | 10 | 46 | 6 | 13 | 3 | 6 | 1 | 2,2 |
| 4. | Бўстонлиқ | 50 | 6 | 12 | 47 | 6 | 12,8 | 2 | 4 | 0 | 0 |
| 5. | Қибрай | 50 | 4 | 8 | 45 | 4 | 8,9 | 2 | 4 | 0 | 0 |
| 6. | Бекобод | 50 | 6 | 12 | 44 | 4 | 9,1 | 2 | 4 | 1 | 2,3 |

| | | | | | | | | | | | |
|--|---------------|-----|----|----|-----|----|----|----|-----|---|-----|
| | Ўртача | - | - | 12 | - | - | 12 | - | 4,3 | - | 1,5 |
| | Жами | 300 | 36 | - | 275 | 33 | - | 13 | - | 4 | - |

*) О – кузатилган дарахтлар сони, дона, З – шундан заарланганлари

**) % - кузатилган умумий сонига нисбатан

2.3-жадвал

Сурхондарё вилояти туманлари хўжаликларида уруғ мевали дараҳтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан зарарланиш даражаси

Дала текширувлари

(А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| № | Кузатув ўтказилган туманлар | Дараҳтлар миқдори | | | | | | Қуриган ва қуриётган дараҳтлар | | | |
|----|-----------------------------------|-------------------|---|----|-----|---|------|--------------------------------|------------------|------|-----|
| | | Олма | | | Нок | | | Олма | | Нок | |
| | | O ^{*)} | 3 | % | O | 3 | % | дона | % ^{**)} | Дона | % |
| 1. | Денов | 50 | 7 | 14 | 48 | 6 | 12,5 | 2 | 4 | 1 | 2,1 |
| 2. | Жарқўргон | 50 | 6 | 12 | 46 | 5 | 10 | 2 | 4 | 1 | 2,2 |
| 3. | Термиз | 50 | 8 | 16 | 47 | 7 | 14,9 | 2 | 4 | 1 | 2,1 |
| 4. | Ангор | 50 | 7 | 14 | 45 | 5 | 11,1 | 1 | 2 | 1 | 2,2 |
| 5. | Музробод | 50 | 6 | 12 | 46 | 5 | 10,9 | 1 | 2 | 0 | 0 |
| 6. | Бойсун | 50 | 6 | 12 | 47 | 5 | 10,6 | 1 | 2 | 0 | 0 |

| | | | | | | | | | | | |
|--|---------------|-----|----|------|-----|----|------|---|---|---|-----|
| | Ўртача | - | - | 13,3 | - | - | 11,7 | - | 3 | - | 1,4 |
| | Умумий | 300 | 40 | - | 279 | 33 | - | 9 | - | 4 | - |

*) О – кузатилган дарахтлар сони, дона, З – шундан заарланганлари

**) % - кузатилган умумий сонига нисбатан

Бундай кузатувлар Фарғона вилоятининг бир қанча туманларида ҳам амалга оширилди (3.2.4-жадвал). Фарғона вилоятида дарахтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланиши юқорида таъкидланган вилоятлар зараридан бироз паст бўлсада, аммо етарлича жиддий ҳисобланади ва бу масалага алоҳида эътиборни қаратишни талаб этади. Ёғоч ўймакорининг етказган зарари кўпинча дарахтларнинг ўсиш ва ривожланишда орқада қолиши билан белгиланади. Мазкур масалани 2000-2005 йиллар давомида барча вилоятларда ўрганиб чиқдик. Қайд этилдики, ўсишдан тўхташ кўп жиҳатдан тана ичи ва пўстлоқ остидаги зааркунандаларнинг популяция зичлиги миқдорий сонига боғлиқ. Қуйидаги 3.2.2-расмларда ёғоч ўймакори қуртлари билан заарланган З тур дарахт танаси заарланиш натижасида диаметрининг ўсишдан орқада қолиши графикларда келтирилган.

2.4-жадвал

Фарғона вилояти туманлари хўжаликларида мевали дарахтларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланиш даражаси

Дала кузатувлари



(А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| | | | |
|--|---------|-------------------|----------------------|
| | Кузатув | Дарахтлар миқдори | Куриган ва қуриётган |
|--|---------|-------------------|----------------------|

| № | ўтказилган туманлар | даражатлар | | | | | | | | | | | | | | | |
|----|---------------------|-----------------|----|----|-----|----|------|---------|----|------|------|------------------|------|-----|------|---------|--|
| | | Олма | | | Нок | | | Шафтоли | | | | Олма | | Нок | | Шафтоли | |
| | | O ^{*)} | 3 | % | O | 3 | % | O | 3 | % | дона | % ^{**)} | дона | % | Дона | % | |
| 1. | Бешариқ | 50 | 9 | 18 | 47 | 8 | 17 | 54 | 8 | 14,8 | 3 | 6 | 2 | 4,3 | 3 | 5,6 | |
| 2. | Боғодод | 50 | 6 | 12 | 46 | 5 | 10,9 | 53 | 5 | 9,4 | 2 | 4 | 1 | 2,2 | 1 | 1,9 | |
| 3. | Ўзбекистон | 50 | 5 | 10 | 45 | 4 | 8,9 | 53 | 5 | 9,4 | 3 | 6 | 2 | 4,4 | 3 | 5,7 | |
| 4. | Риштон | 50 | 5 | 10 | 46 | 4 | 8,7 | 54 | 5 | 9,3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 1 | 1,9 | |
| 5. | Бувайда | 50 | 2 | 4 | 47 | 1 | 2,1 | 55 | 2 | 3,6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 1,8 | |
| 6. | Учкўприк | 50 | 3 | 6 | 45 | 3 | 6,7 | 54 | 4 | 7,4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 1 | 1,9 | |
| | Ўртacha | - | - | 10 | - | - | 9,1 | - | - | 9,0 | - | 3,3 | - | 1,8 | - | 3,1 | |
| | Умумий | 300 | 30 | - | 276 | 25 | - | 323 | 29 | - | 10 | - | 5 | - | 10 | - | |

^{*)} O – кузатилган дараҳтлар сони, дона, З – шундан заарарланганлари

^{**) %} - кузатилган умумий сонига нисбатан



Шартли белгилар: А) – олма; Б) – нок; В) – шафтоли

З – заарланган дарахтларда, Н – заарланмаган дарахтларда

3.2.2-расм. Ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланган дарахтлар танасининг диаметри бўйича ўсишдан тўхташи

(Тошкент вилояти)

Дарахтлар танасининг диаметри ўсишда яққол орқада қолади, бу эса кейинчалик олинган ҳосил сифати ва миқдорида, шунингдек дарахтларнинг совуққа чидамлилиги ва яшовчанлигига ўз салбий аксини топади. Худди шундай натижалар бошқа дарахтлар, хусусан беҳи ва грек ёнгоғида ҳам кузатилди. Ҳисоблаб чиқилиши, ҳидли ёғоч ўймакори қуртларининг заарлаши таъсирида дарахт шохларининг ўсиш интенцивлити ўртача 29,2-32,5% гача пасаяди. Ҳидли ёғоч ўймакори ҳаёт тарзининг ўзига хослиги унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишида алоҳида ёндашувни талаб этади. Табиийки, таннархи ва иш ҳажмининг юқорилиги сабабли, юқоридаги усулларни саноат боғларида қўллаб бўлмайди, шу боис тадқиқотда учинчи усул – капалакларнинг учиши ва тухум қўйиши даврида дарахтларга инсектицидларнинг ишчи суюқлигини қўллаш синалди, бинобарин мазкур ҳашаротнинг учиши йилда бир марта – асосан май ойида кузатилади.

Шу боис мавсум бошида дарахтларга бир марта, ёки энг яхиси икки марта ишлов бериш уларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланишига барҳам бериши мумкин. Бунда боғлар ҳолатининг яна бир яхшиланиш ҳолати шундаки, май ойида одатда мевали дарахтларни олма меваҳўри ва бошқа бир қанча барг ўровчиларнинг турлари, шунингдек сўрувчи йўлдош зааркундалардан (ўсимлик битлари, қалқондор, кана ва б.) ҳимоялаш муддати бошланади. Шу боис мазкур муддат доимо зааркундаларга қарши курашишнинг умумий тизимида мос келади ва муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Үргө мевали дарахтлар зааркунандаларига қарши кураш чоралари

Кимёвий ҳимоя қилиш усули

Бу усул қишлоқ хўжалиги ўсимликларини заарли организмлардан ҳимоя қилиш учун кимёвий ҳимоя воситаларини (инсектицид, акарицид, инсектоакарицидлар ва бошқалар) қўллашни назарда тутади. Мевали дарахтларда тўпланувчи ҳашарот ва каналарнинг заарли турлари жуда ҳам хилма-хиллиги туфайли, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларнинг рўйхати ҳам жуда кенгdir.

Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш бир неча тарихий босқичлардан иборат бўлиб, у тарихий жараёнда кимёвий воситаларнинг қўйидаги муайян гурухларига таянган: ноорганик табиатли бирикмалар (олтингугурт, мис, бром, кальций таркибли препаратлар); ўсимлик моддалари (анаbazинсульфат, никотин-сульфат), хлорорганик инсектицидлар (ДДТ, гексахлоран, алдрин, дильдрин ва б.) системали ҳамда сиртдан ва ичак орқали таъсир кўрсатувчи фосфорорганик бирикмалар (тиофос, метилмеркаптофос ва б.); таъсир механизми бўйича ДДТга яқин, аммо қатор ижобий хусусиятлари билан аввалгиларидан фарқланувчи синтетик пиретроидлар (аллетрин, амбуш, цимбуш, сумицидин ва бошқалар) дир. Синтетик пиретроидлар пайдо бўлиши билан БУХҚТда пестицидларни самарали қўллаш учун улкан истиқболлар очилди. Кўпгина обьектлар, айниқса тангачақанотлиларга нисбатан синтетик пиретроидларнинг биологик фаоллиги бошқа кимёвий гуруҳ инсектицидларга нисбатан икки, синергистлар билан биргаликда эса 3-4 марта юқоридир, аммо бир вақтнинг ўзида инсон, иссиққонли жониворлар ва умуман атроф-муҳит учун бошқа инсектицидларга нисбатан камроқ хавфлилиги билан ажралиб туради.

Пиретроидлар ўсимлик пиретринларининг синтетик аналоглари бўлиб, юқори инсектицидлик фаоллигига эга ҳисобланадива тезда фалажловчи таъсир кўрсатади. Бироқ илк бор синтез қилинган пиретрин бирикмалар жуда қимматлиги ва қуёш нурлари таъсирида фаоллигини тез йўқотиши сабабли кам қўлланилган. Шу боис узоқ йиллар мобайнида олимлар томонидан шундай заҳарлилик хусусиятларига эга, аммо юқоридаги камчиликлардан ҳоли бўлган моддаларни яратиш устида тадқиқотлар олиб борган.

Синтетик пиретроидларнинг инсектицидли таъсир этиш механизми охиригача ўрганилмаган. Бироқ, тўпланган маълумотлар асосида улар-нинг заҳарлиликка эга бўлган турли геометрик шакл ва ўлчамдаги молекулаларининг боғлами тўғрисида фикр юритиш мумкин. Синтетик пиретроидларнинг икки типи мавжуд, ҳар иккаласида ҳам бўғимоёқли ҳайвонларнинг марказий асаб тизими ҳужайралари мембраналаридаги натрий каналларига таъсир кўрсатади. Биринчи вакиллари (перметрин, сумитрин, тетраметрин) таъсирида ҳашаротларда гиперфаоллик, трепмор, конвульсия, сўнгра эса фалажлик ва ҳалок бўлишни келтириб чиқарса. Иккинчи гурух вакилларининг тузилишида циан-гурух (циперметрин, дельтаметрин ва б.) мавжуд. Мазкур препаратлар таъсиридан сўнг ҳашаротлар қайтмас фалажлик ҳолатига тушади, сўнгра эса ҳалок бўлади.

Пиретроидларнинг биологик фаоллиги уларнинг липофил хусусиятлари билан боғлиқdir, шу туфайли улар ҳашаротларнинг тери қоплами тўқималари орқали тез кириб боради. Иккинчи томондан айнан ушбу хусусияти туфайли пиретроидлар тупроқ заррачалари ва ўсимлик қолдиқлари томонидан осон бириктириб олинади, бу эса тупроқ ва сувда яшовчи организмларга нисбатан унинг хавфлилигини камайтиради. Пиретроидлар бир ўсув мавсуми мобайнида биотик омиллар таъсирида (микроорганизмлар) муҳит объектларида CO_2 гача парчаланади. Пиретроидлар иссиққонлилар учун нисбатан хавфсиз, чунки уларнинг

айримлари санитария-гигиена таснифи бўйича кам заҳарли бирималар гурухига мансуб ҳисобланади: ресметриннинг ЛД₅₀ кўрсаткичи ичдан таъсир қилганида каламушлар учун 3000 мг/кг, перметрин эса – 2000 мг/кг ни ташкил этади, яъни жуда паст заҳарлидир. Шундай қилиб, инсектицидларнинг янги гурухи сифатида пиретроидларга бўлган амалий қизиқиш энг аввало уларнинг ҳашаротларга нисбатан юқори заҳарлилиги ва атроф-муҳит объектлари учун хавфсизлиги туфайли юзага келган.

Синтетик пиретроиди кучли сиртдан, ичақдан, репеллент ва антифидант таъсир этиш хусусиятларига эга ҳисобланади, шу боис улар ҳозирги кунда бутун дунёда мевали дараҳтлар, манзарали дараҳтлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зааркундаларига қарши курашиш воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда. Бу ҳолат синтетик пиретроид нинг фақатгина ижобий тавсифи билан эмас, балки уларнинг қўлланилиши рентабелли юқори эканлиги таъкидланади. Боғлардаги мевали дараҳтларнинг зааркундаларга қарши курашиш воситаси сифатидасинтетик пиретроидни ўрганиш ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган эди. Йирик тажрибалар Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда ўтказилган. Ўтказилган тадқиқотлар тангачақанотли зааркундаларга қарши курашишда синтетик пиретроиднинг юқори самарали эканлигини кўрсатган.

Пиретроидларнинг *Laspeyresia*насл турларига қарши тез таъсир кўрсатиши зааркундаларнинг зичлигини ўзгариши билан тасдиқланган. Пуркашнинг самараси ишлов берилганидан кейинги 24 соатдаёқ кўрина бошлайди, бироқ тўлиқ самараси юзага чиқиши учун уч кун талаб этилади (айниқса катта ёшли қуртлар мавжуд бўлганида). синтетик пиретроидни қўллашнинг хўжалик ва иқтисодий самараси, кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, фақатгина майдонда зааркундаларни қириб ташлаш эмас, балки уларнинг ўсимлик ўсишини фаолловчи сифатида ҳам таъсир кўрсатиши ҳисобига ҳосилдорликнинг сезиларли ортиши ва ҳосилнинг бир текис пишиб

етилиши билан ҳам ифодаланади.

Ғарбий Африка мамлакатларида пиретроидлар билан ҳар йили 1 млн. га дан ортиқ майдонга ишлов берилади, Шимолий-Шарқий Африка ва Ўрта ер денгизида эса – 500 минг га. Бунда ишлов беришнинг энг катта ҳажми циперметрин препаратлари улушига тўғри келади, унинг сарф меъёри гектарига таъсир қилувчи модда ҳисобида – 50-60 г. Бу ерда зааркунандаларнинг зичлиги жуда юқори ва хилма-хилдир. Энг заарли турлар тангачақанотлилар ҳисобланади. Фақатгина пиретроидлар туфайли мазкур зааркунандаларнинг зичлиги иқтисодий жиҳатдан паст даражада ушлаб турила бошланди.

Синтетик пиретроиднинг фойдали бўғимоёқлиларга нисбатан заҳарлилиги бўйича адабиётларда кўплаб ишларни кўриш мумкин, уларда тавсифланишича, улар зоофагларнинг фаол шаклларига ҳам таъсир этади, аммо уларнинг ҳар бири алоҳида турларга нисбатан у ёки бу даражада танлаб таъсир қилиш хусусиятига эга. Масалан, изатрин ва децис трихограмма тухум ичидалигида заҳарли таъсир кўрсатмайди, амбуш *Orius*, *Coccinella*, *Anthocoris* ва *Syrphidae*насл турларига нисбатан бирмунча танлаб таъсир этади. Энтомофаглар учун рипкорд, сумицидин ва децис энг ҳалокатли ҳисобланади.

Келтирилган барча маълумотлардан шундай хулоса қилса бўладики, бугунги кундаги маълум пиретроидлар тангачақанотли ҳашаротларга нисбатан етарлича кенг заҳарлаш қобилиятига эга бирикмалардир. Бу эса, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, синтетик пиретроидларни ишлатишбоғларда умумий инсекти-цидларни қўллаш ҳажмини маълум даражада камайтиришга имкон яратади.

Ўзбекистонда пиретроидлар 1980 йиллардан бошлаб ғўза, дон, мевали ва бошқа ўсимликларнинг зааркунандаларига қарши ўрганила бошланди. Модомики синтетик пиретроид ўзига хос биологик таъсирга эга экан, бунга

боғлиқ равища уни ўрганиш ҳар томонлама, унинг мақсадли ва йўлдош организмларга (зараркунандалар, энтомофаглар) ўткир ва сурункали таъсирини аниқлаш билан биргаликда ўтказилган. Бунда ишлов берилаётган ўсимликларга синтетик пиретроиднинг таъсир этиш эҳтимолларини, шунингдек препаратнинг қолдиқ миқдорини (перsistентлигини) ўрганиш ҳам амалга оширилган. Мазкур иш ҳар йили, вазифалари янгилangan ҳолда давом эттирилади. Республикада синтетик пиретроидларни синаш ишлари бошланганлигига 30 йилдан ортиқ вақт ўтганлигига қарамасдан уларнинг яъни намуналарини синаш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Эскиларининг (циперметрин, декаметрин, эсфенвалерат, лямбдацигалотрин ва б.) самарадорлигида сезиларли ўзгаришлар ҳам кузатилмоқда.

Кейинги пайтларда турли экинларнинг (дон, картошка, боғ, ғўза ва бошқалар) зараркунандаларига қарши курашишда синтетик пиретроиднинг самарадорлиги бирмунча пасайганлиги таърифланган. 1990 йилдан сўнг кимёвий кураш ҳажми кескин камайганлигига қарамайбоғлардаҳамда чигирткалар ривожланган ўчокларда кенг ишлатиладигансинтетик пиретроидларнинг самарадорлиги бирмунча пасайганлиги кузатилган.

Илдиз кемурувчи тунламларга қарши кимёвий кураш чоралари

Ўсимликларни янада самарали ҳимоялаш учун инсектицидларни қўллаш ҳимоя зарурати туғилади, шу боис кимёвий ҳимоянинг локал усули синаб кўрилди, унга кўра унинг илдиз тизимиға ўсимлик ҳолатига мос ҳолда синалаётган препаратнинг сувли эмульсияси ёки суспензияси қуйилади. Усулнинг мақсади ўсимликнинг илдиз атрофи чегарасида қуртларни йўқ қилиш йўли билан ниҳолларни ҳимоя қилишни таъминлаш. Тажриба 2007-2008 йиллар давомида Тошкент вилояти (Оҳангарон тумани, И. Ўринов ф/х) далаларида амалга оширилди. Ишчи суюқлик концентрацияси қўйидагича ҳисобда тайёрланди: препаратнинг бир гектарга мўлжалланган меъёри 1000 лсувда аралаштирилиб, бир гектар майдонга сарфланди.

Тажриба натижалари 1.1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, қўйидаги хуносаларга келиш мумкин.

Барча синалган препаратлар ўрганилган концентрацияларида илдизкемиувчи тунламларнинг қуртига қарши юқори самара кўрсатди.

2. Илдизкемиувчи тунламларга қарши инсектицидларни локал қўллашда ҳимоя самарасининг давомийлиги 30 кунни ташкил этади. У бундан ҳам кўпроқ чўзилиши мумкин, чунки синтетик пиретроидлар тупроқнинг шимувчи компонентлари билан мустаҳкам бирикади. Шундай қилиб, илмий тадқиқотларда илдизкемиувчи тунламларнинг кўчатзорлардаги ниҳоллар учун зарарли даражаси аниқланади ва ўсимликларни мазкур зараркунандалардан ҳимоя қилишининг биологик, шунингдек локал-жадал усуслари ишлаб чиқилади.

1.1-жадвал

Инсектицидларни топикаль бериш йўли билан ниҳолларни кузги тунламдан кимёвий ҳимоя қилишининг биологик самарадорлиги

Кичик дала тажрибаси,

(А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| № | Синалган инсектицидлар (вариантлар) | Ишчи суюқлик концентрацияси, % | Кўчатзорнинг ҳисобдаги 2 метрида қуртларнинг ўртача сони, дала | Самарадорлик, % назорат ўтказган кунларда: | | | |
|----|-------------------------------------|--------------------------------|--|--|------|-----|-----|
| | | | | 5 | 12 | 19 | 28 |
| 1. | Суми-альфа, 5% | 0,04 | 1,7 | 78,4 | 96,1 | 100 | 100 |

| | ЭМ.К | | | | | | |
|----|----------------------------|------|-----|--|------|------|------|
| 2. | Децис, 2,5% к.э. | 0,07 | 2,2 | 91,4 | 100 | 100 | 100 |
| 3. | Циперметрин, 25% к.э. | 0,02 | 0,9 | 84,2 | 96,2 | 98,2 | 87,9 |
| 4. | Циперметрин, 25% к.э. | 0,03 | 1,6 | 100 | 100 | 100 | 91,2 |
| 5. | Циперфос, 55% к.э. | 0,1 | 1,4 | 82,2 | 100 | 100 | 93,9 |
| 6. | Циперфос, 55% к.э. | 0,15 | 3,2 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| 7. | Назорат (ишлов берилмаган) | - | 2,1 | <i>Қуртларнинг зичлиги, дона/м²</i> | | | |
| | | | | 3,6 | 4,2 | 3,1 | 1,7 |

Ҳидли ёғоч ўймакорига қарши кимёвий кураш чоралари

Ҳидли ёғоч ўймакори ҳаёт тарзининг ўзига хослиги унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишида алоҳида ёндашувни талаб этади. Табиийки, таннархи ва иш ҳажмининг юқорилиги сабабли, юқоридаги усулларни саноат боғларида қўллаб бўлмайди, шу боис тадқиқотда учинчи усул – капалакларнинг учиши ва тухум қўйиши даврида дарахтларга инсектицидларнинг ишчи суюқлигини қўллаш синалди, бинобарин мазкур ҳашаротнинг учиши йилда бир марта – асосан май ойида кузатилади.

Шу боис мавсум бошида дарахтларга бир марта, ёки энг яхшиси икки марта ишлов бериш уларнинг ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланишига барҳам бериши мумкин. Бунда боғлар ҳолатининг яна бир яхшиланиш ҳолати шундаки, май ойида одатда мевали дарахтларни олма меваҳўри ва

бошқа бир қанча барг ўровчиларнинг турлари, шунингдек сўрувчи йўлдош зааркундалардан (ўсимлик битлари, қалқондор, кана ва б.) ҳимоялаш муддати бошланади. Шу боис мазкур муддат доимо зааркундаларга қарши курашишнинг умумий тизимида мос келади ва муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Тажрибалар 2009 йилда Оҳангарон тумани мевали боғларида ўтказилди (4.2.2-жадвал). Бу усулда 3 та препарат 6 та вариантда синалди. Ишлов бериш 2 марта ўтказилди: биринчиси 12 майда, иккинчиси 3 июнда. Пуркаш тракторли боғ пуркагичи ёрдамида 1600 л/га ишчи суюқлик сарф-меъёрида қўлланилади. Ишлов берилган дaraohtlar орасида тана зааркундалари билан қисман заарланганлари ҳам мавжуд бўлиб улар назоратда бўлади. Тўрт ойдан сўнг (сентябрда) ўтказилган ҳисоб ва кузатувлар шуни қўр-сатдики, фақатгина багира инсектициди қўлланилган вариантда бироз миқдор-да ва назоратдаги дaraohtlardan заарланиш (8,2%) қайд этилди. Бир йилдан сўнг, май ойида ҳидли ёғоч ўймакори билан заарланиш барча дaraohtlardan кузатилди, аммо улар назоратдагига (11,1%) нисбатан анча паст даражада (1,4-4,5%) кузатилди. Шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳидли ёғоч ўймакори капалакларининг учиши ва тухум қўйиши даврида икки марта инсектицидили ишлов бериш усули билан кўзланган натижага, яъни дaraohtlarнинг мазкур зааркундалар билан заарланишини самарали бартараф этиш ва бир вақтнинг ўзида Ҳидли ёғоч ўймакори ҳам йўқ қилиш йўли билан жорий ҳосилни сақлаб қолишга эришиш мумкин. Мевали дaraohtlarнинг бошқа тангачақанотли зааркундаларидан Тошкент вилояти боғларида қайд қилинган пўстлоқости баргўровчиси – *Enarmonia formosana* ни ҳам қайд этиш мумкин. Зааркундандинг қуртлари олма, нок, шафтоли, ўрикни, шунингдек бошқа дaraohtlarни кучсизроқ даражада (ҳар 250-350 дaraohtning биттасида заарланиш учрайди) пўстлоқ ости қатлами, луб, шох ва таналарини заарлайди.

жадвал

ХЁЎ капалакларининг учиши даврида икки марта ишлов бериш йўли билан мевали дaraohтларни хидли ёғоч
ўймакоридан (ХЁЎ) ҳимоя қилишининг биологик самарадорлиги

Оҳангарон тумани, аралаш боғ 12 га,

(А. Юсупов маълумоти, 2010 йил)

| № | Вариантлар (қўлланилган инсектицид) | Ишчи суюқлик конц., % | ХЁЎ капалакларининг учиши даврида икки марта ишлов бериш | Дaraohтларнинг ХЁЎ билан зарарланиши | | Хулоса | |
|----|-------------------------------------|-----------------------|--|--|-----------------------------|--------|--------------------------------|
| | | | | 4 ойдан сўнг (сентябр) | 12 ойдан сўнг (май, 2010 й) | | |
| 1. | Далметрин, 10% эм. к. | 0,02 | 12.V. ОВС-4000 агрегатид а тракторда ишлов бериш, | 3.VI. ОВС-4000 агрегатид а тракторда ишлов бериш, | 0 | 1,7 | Амалий қўллашга тавсия этилади |
| 2. | Далметрин, 10% эм. к. | 0,04 | | | 0 | 1,9 | |
| 3. | Багира, | 0,03 | | | 3,2 | 4,5 | |

| | | | | | | | |
|----|----------------------------|------|--|--|---|--|---|
| | 20% ЭМ. К. | | | | | | |
| 4. | Багира, 20% ЭМ. К. | 0,05 | сувнинг сарф меъёри 1600 л/га | сувнинг сарф меъёри 1600 л/га | 1,7 | 2,8 | Амалий кўллашга тавсия этилади |
| 5. | Атилла, 5% ЭМ. К. | 0,05 | | | 0 | 1,4 | Амалий кўллашга тавсия этилади |
| 6. | Атилла, 5% ЭМ. К. | 0,1 | | | 0 | 1,7 | |
| 7. | Назорат (ишлов берилмаган) | - | - | - | 8,2% дарахт ХЁЎ билан зарар-ланган + мевалар ОМ билан кучли зарарланган | 11,1% дарахт ХЁЎ билан зарарланган | - |

Биологик ҳимоя қилиш усуллари

Боғларни зааркунандалардан ҳимоя қилишда табиий кушандалар муҳим аҳамиятга эга. Улар яшашига қулайимкон яратиб, пировард натижада табиий объектлар ёрдамида мевали дaraohтларни ҳимоя қилиб соф маҳсулот олиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг турли худудларида 1968-1971 йиллари олма меваҳўрининг 20 га яқин ихнеумонид, браконид ва трихограмматид яйдоқчилари аниқланган эди. Уларнинг орасида айрим турлар юқори самаралилиги билан алоҳида ажралиб туради: *Mastrus* sp. ва *Liotryphon punctulatus* Ratz. Эрта баҳорда учган яйдоқчилар олма меваҳўрининг қишловчи қуртларини заарлашга улгуради ва бу ерда яйдоқчининг биринчи насли ривожланади. Тажрибаларда Фарғона вилоятида мевали дaraohтларнинг ўсув даврида паразитларни 5-6 насли ривожланади ва натижада кузга бориб зааркунанданинг 60% гача қуртлари заарланади, Андижонда эса бу кўрсаткич бирмунча пастроқдир. Мазкур тур Самарқанд вилоятида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу ерда маструс наслининг вакиллари айрим хўжаликларда олма меваҳўрининг 70% гача қуртларини нобуд қилган. *Liotryphon punctulatus* – олма меваҳўри диапаузадаги қуртларнинг кенг тарқалган эктопаразитидир, у Тошкент, Самарқанд вилоятларида, шунингдек Қирғизистонда қайд этилган. Яйдоқчи личинкалик даврида қишлияди ва феврал охири марта бошларида ғумбакланади. Яйдоқчининг учиши Ўзбекистон шароитида мартнинг иккинчи ярмидан бошланади. Яйдоқчининг асосий қисми мартнинг охири ва апрелнинг бошида, Қирғизистон ва Чуй водийсида эса – апрелнинг иккинчи ярмида учади. Учган яйдоқчилар олма меваҳўрининг қишловчи қуртларини заарлашга улгуради. Апрелнинг иккинчи ярмида яйдоқчи томонидан нобуд қилинган қуртлар учрай бошлайди, уларнинг ичидаги яйдоқчининг бешинчи ёшдаги личинкаси кузатилади. Шундай қилиб, зааркунанданинг қишловчи қуртларида яйдоқчининг биринчи насли ривожланади. Маструсдан фарқли равишда,

мазкур яйдоқчи ўзининг хўжайинини нобуд қилади, яъни қуртнинг танасига унинг парчаланишига тўсқинлик қилувчи муайян ферментлар пуркайди. Қуртнинг танасига ёки унинг ёнига ургочиси шаффоф учли узунчоқ оқ рангдаги тухум қўяди.

Энтомофаглар олма қуртининг барча ёшини заарлайди. Браконид – *Ascogaster quadridentata* ўзининг тухумини олма меваҳўрининг тухумига қўяди. *Microdus rufipes* кичик ёшдаги қуртларни заарлайди ва ўзининг ривожланишини катта ёшдаги қуртларда якуnlайди. *Mastrus* sp. ва *Lyotryphon punctulatus* спилла ўрашга тайёрланаётган қуртларга хужум қилади. Олма меваҳўрининг яйдоқчилари сугориладиган ва тоғолди-тоғли минтақаларда учрайди. 1968 йилда Бўстонлик туманида (тоғли минтақа) ихнеумонид *Liotryphon punctulatus* билан заарланиш 14,3% гача етган, бу вақтда браконид *Ascogaster quadridentata* якка-якка учраган. Водий минтақасида эса, браконид устунлик намоён этган, яъни – 24%, ихнеумонид эса якка учраган. *Ruemotes* sp. канаси хам якка учраган. Кузатувларда қайд этилганки, Фарғона водийсида 1969-1971 йилларда энг кўп тарқалган яйдоқчиихнеумонид - *Mastrus* sp. ҳисобланган, у айниқса Фарғона вилоятида (Олтиариқ тумани), энг фаол намоён бўлган. Бу ерда алоҳида боғларда яйдоқчи томонидан 60% гача қуртлар нобуд қилинган, бу вақтда бошқа туманларда яйдоқчи якка - якка ҳолатда учрайди.

Андижон вилоятида (Хўжаобод тумани) устун тур-браконид - *Microbus rufipes* ҳисобланган. 1971 йилда паразит томонидан 28,7% қурт нобуд қилган. Намангандар вилоятида (Поп тумани) ихнеумонид - *Mastrus* sp. ва браконид - *Ascogaster quadridentata* паразитлари сони камроқ қайд этилган. 1969 йилда Хўжаобод туманида бу браконид –устунлик кўрсатиб, зааркунанданинг куртини 40% гача нобуд қилган.

Қирғизистон ҳудудига 1956-1962 йилларда олма қуясининг эндояйдоқчиси – агениасписни (*Ageniaspis fabcicollis* Dalm.) интродукция

қилиш бўйича маълумотлар келтирилган. Паразит дастлаб Қирғизистон ФА ботаника институтининг ўрмон-мевачилик станцияси Оқ-терак таянч пунктига келтирилган. Агениаспис Иссиккўлга (Шимолий Қирғизистон), Киев, Гомел, Краснодар, Кишинёв ва Бокудан олиб келинган ва мослашган. Агениасписни Ўзбекистонга интродукция қилишни унинг ҳарорат ва намлика талабини ўрганган, паразит мослаша оладиган иқлимли мос ҳолдаги минтаقا баландлигини ўрганиб, уни олиб келиш ва чиқаришни амалга оширган. Биоценозда тоғда яшовчи куялар ва уларнинг энтомофаглари ўртасида ўзгариб турувчи тарихиймиқдорий нисбат юзага келган. Олимлар хальцидни табиий тарқалган ҳудудлардан Ўзбекистондаги куялар билан кучли заарланган ўчоқларга олиб келишга уриниб кўришган.

Тошкент вилоятидаги боғ-хўжаликларда (Пском ва Чатқол боғлари) ҳамда Фарғона вилоятида Хамза Хакимзода номли хўжалиқда (Шохимардон ва Ёрдон боғлари) тадбиқ этиш ишларини ўтказишиган. Агениасписнинг иқлимга ижобий мослашишини белгиловчи экологик омиллар орасида ҳавонинг ҳарорати ва намлиги алоҳида ўрин тутади. Муаллифнинг хабар беришича, агениасписнинг ривожланиши учун қулай шароит қўйидагича ҳисобланади: ҳавонинг ўртacha бир кеча-кундузлик ҳарорати $20-25^{\circ}\text{C}$, нисбий намлиги 50-60%. Ҳароратнинг $38-40^{\circ}\text{C}$ ва намликнинг 20-30% бўлиши яйдоқчи учун летал ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, агениасписнинг табиий кўпайиш климограммаси тузилган. Климаграмма таҳлили шуни кўрсатганки, тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларнинг иқлим-шароитлари агениасписни ривожланиши учун қулай келади.

Энтомофагнинг муваффақиятли кўнишиб кетиши зотларнинг экологик устунлиги (“пластичность”) билан боғлиқдир. Тошкент вилоятида фақат 3-нчи йилигина қуртларнинг агениаспис билан юқори даражада (56%) заарланганлиги қайд этилган. Кўриниб турибдики, мазкур ҳолатда гетерозис ҳолати юзага келган. Фарғона вилоятининг табиий иқлим шароитлари агениаспис келтирилган жойнинг шароитларига яқин бўлиб чиқди.

Яйдоқчининг яшаб кетиши биринчи йили 3,2%, иккинчи йили – 37,2%, учинчи йили эса – 23,6-40,6% ни ташкил этган. Агениаспис тарқатилганидан кейинги иккинчи йилда зааркунанданинг зичлиги 3-4 марта камайган.

Шундай қилиб, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, зааркунанда объектларнинг сонини биологик (табиий) усулда камайтириш, бунинг учун энг самарали яйдоқчи турларини хориждан жалб қилиш (интродукция) – ўсимликларни (боғларни) ҳимоя қилиш ишида истиқболли йўналишлардан биридир. Зааркунандаларга қарши биологик усулда курашишнинг яна бир йўналиши – микробиоусул ҳисобланади. Бунда ўсимликларнинг ҳимоячилари сифатида микроорганизмлар (бактерия, замбуруғ, вирус ва содда ҳайвонлар) иштирок этади. Аммо *Bacillus thuringiensis* бактериялари асосида тайёрланган препаратлар энг кўп тарқалган ва амалда кенг қўлланилаётган препаратлар жумласидандир. Ҳар хил номлар (дендрабациллин, битоксибациллин, лепидоцид ва б.) билан аталувчи мазкур препаратлар у ёки бу бактерия тури асосида ишлаб чиқарилади, улар спорокристалл мажмуасига эга бўлиб, таркибида энтомопатоген организмнинг тирик споралари ва оқсил табиатли кристаллэндотоксин, қатор препаратларда эса ҳароратга барқарор экзотоксин ҳам мавжуд бўлади. Зааркунандаларнинг юқори озуқавий фаоллигигина самарали таъсир кўрсатиши биопрепаратларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу эса +16°C дан паст бўлмаган ҳароратда кузатилади. Бактериал препаратларкуёш радиацияси, ҳарорат ва намлик таъсирида табиий муҳитда парчаланади. Захарлилик самараси бўйича мазкур гурух препаратлари ўзининг секин таъсир кўрсатиши сабабли, кимёвий инсектицилардан ортда қолади. Фитофагларнинг нобуд бўлиши ишлов берилганидан кейинги 3-5 кунда кузатилади ва 10-куни энг юқори бўлиши мумкин. Бироқ препарат қўлланилган заҳотиёқ зааркунандаларда озиқланиш фаоллиги ва мос равишда заарлилиги ҳам сусаяди. Биопрепаратларда кейинги асоратли таъсир қайд этилган, яъни уларнинг навбатдаги генерациясида ҳам

заарланиш (серпуштликнинг пасайиши, нимжон наслларнинг пайдо бўлиши) кузатилади. Буларнинг барчаси ишлов беришнинг самарадорлигини бирмунча оширади. Микробиопрепаратларнинг дастлабки таъсири кучсиз бўлганлиги сабабли, уларни қўллаш зааркунандаларнинг зичлиги ўртacha бўлгандагина иқтисодий жихатдан ўзини окладиди.

Агротехник кураш чоралари.

Мевали дaraohтлар ва токлар бир жойда 20-25 йил ва ундан ортиқ ўсиши ҳисобга олиб, агро техника қойдаларига амал қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Мевали дaraohтлар ва токзорларни ҳимоя қилишнинг мухим элементлари қўйдагилардир:

Дaraohтларининг ер устки қисмини парваришилаш.

Боғлардаги дaraohтларнинг бўйи 4,5 м ошиқ ва шохлари қалин бўлса, бундай дaraohтларни пуркаганда ҳам тегишли натижа олиш қийин, чунки препаратларнинг ишчи суюқлиги шохлар ва новдалар орасига тушмайди. Натижада дaraohтларнинг бундай қисмлари хафли зааркунандалар (каналар, қалқондонлар, сохта қалқондонлар, куялар ва ҳ.к.) доимий кўпайиш ўчоги бўлиб қолади. Ёш мева дaraohтларига шакил беришда ва ҳосилга кирган мевали дaraohтлар шох-шаббалари қирқилганда аввало касалликлар (уншудринг, қўтириленилил кувиши, цитоспороз ва б.к.) билан шикастланганлар йиғиширилиб ёқиб юборилади. Кесилган қисимлар ўрин диаметри 3 см ортиқ бўлса, бундай дaraohтлар кўпайилик ёғочи заарланишинг олдини олиш мақсадида тезда боғ малҳами билан ёки 1:1 ҳисобига мол тезагига лой аралаштирилиб суваб қўйилади.

Дaraohт поялари, йуғон шохлар ва улар оралари эски пустлоқлардан тозаланади ва албатта тўпланган қолдиқлар ёқиб юборилади. Бу тадбир эски пустлоқлар ва дaraohт ёриқларига тўпланган мева куртларини, барг

ўровчилари, ўргимчаккана, қалқондолар ва б.к. миқдорини кескин камайтиради. Поялардаги йуғон шохлар ва улар айримларидағи термик куйган (зараарланған) ёки касаликклар (цитопроз ва б.к.) билан күпийиллик ёғочнинг шикастланған қисми қирқиб олиб ташланади. Шикастланған қисимлар мис купороси 3 фоиз эритмаси билан юқумсизлантирилади ва боғ малҳами 1 кг га 10 г цинеб ёки поликарбацин ёки 5 г топсин аралаштирилиб шувалади. Юқорида келтирилған лой ва мол тезаги аралашмасидан ҳам фойдаланса бўлади.

1. Юсупов А. Стеклянница – вредитель молодых топал и ив //Информационный листок о передовом производственном огне ГФНТИ, 1994. – 3 с.
2. Юсупов А.Х., Ким Н.Г., Сагдуллаев А.У. Пахучий древоточец – опасный вредитель лесных и плодовых пород Узбекистана // Информационный листок о передовом производственном опыте, ГФНТИ, 1994-3 с.
3. Адашкевич Б.Н., Гуммель Э.Р. Энтомофаги и энтомопатогены нового вредителя плодовых культур - восточной плодожорки // Интегрированный метод защиты хлопчатника и сопутствующих культур от вредителей, болезней и сорняков. Ташкент, САНИИЗР, 1987.-с.16-18

Интернет сайтлари:

1. www.ippc.orst.edu/cmpheremone/Bibliography/LISTILL.htm.
 2. www.zin.ru/projekt/invasions/rus/insects/hypcun_1.htm.
- www.kitchen-garden.ru/diseases

